

**“ШЕРОБОД ПАХТА ТОЗАЛАШ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ  
АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИГИЛИШИ  
1-СОН БАЁННОМАСИ**

Сурхондарё вилояти,  
Термиз шаҳри, С.Оллоёр кўчаси 32-уй

2026 йил 28-апрель

Умумий йиғилишнинг ўтиш жойи: Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, С.Оллоёр кўчаси 32-уй, “Сурхондарёпахтасаноат” ХАБ АЖ маъмурий биносининг мажлислар зали.

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш бошланган вақт: **15:00**

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш тугаган вақт: **15:55**

Акциядорлар умумий йиғилиш бошланган вақт: **16:00**

Жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи акциядорлар эга бўлган овозларнинг умумий сони—2 464 188 дона

“Шеробод пахта тозалаш” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши (келгусида матн давомида-Йиғилиш) жамият Бош директорининг 2026 йил 26-мартдаги 01-12/31-сонли таклифи инобатга олиниб, Кузатув кенгаши томонидан 2026 йил 30-мартдаги қабул қилинган қарорга мувофиқ 2026 йил 28-апрелда ўтказилиши белгиланган.

Йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга акциядорлар реестри тузилган сана – 2026 йил 30-март.

“Шеробод пахта тозалаш” АЖ акциядори 1 256 736 дона оддий, яъни 51,0 фоиз акция эгаси “Сурхондарёпахтасаноат” ХАБ АЖ номидан тугатиш комиссияси раиси в.б. Курбонов Шамсулло Аллаевич иштирок этмокда.

Кузатув кенгаши аъзоси С.Холиков йиғилиш раёсатини ва котибини сайлаш бўйича таклиф берди.

Акциядорлар томонидан очик овоз бериш йўли билан бир овоздан йиғилиш раёсатига қуйидагилар сайланди:

1. Ш.Курбонов—“Сурхондарёпахтасаноат” ХАБ АЖ тугатиш комиссияси раиси. йиғилиш раиси;

2. С.Холиков—“Сурхондарёпахтасаноат” ХАБ АЖ тугатиш комиссияси аъзоси;

3. М.Қаюмов-жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзоси.

Йиғилиш котиби этиб У.Зубаев—жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўйича мутахассиси сайланди.

Йиғилишни, йиғилишда раислик қилувчи Ш.Курбонов очди ва акциядорлар ҳамда йиғилиш қатнашчиларини қутлаб, йиғилиш кворуми бўйича ахборот бериш учун сўзни санок комиссияси раиси У.Зубаевга берди.

Санок комиссияси ахбороти:

“Қимматли коғозлар Марказий Депозитарийси” УК томонидан 2026 йил 30-март ҳолатига шакллантирилган “Шеробод пахта тозалаш” акциядорлик жамияти акциядорлар реестрига мувофиқ, йиғилишда овоз бериш учун 886 та акциядорга тегишли **2 464 188** дона акциялар қатнашиши мумкин. Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш вақти тугаганда, умумий миқдорда **1 282 644** дона овоз берувчи акцияларга эга бўлган 3 та акциядор (унинг вакили) рўйхатдан ўтди. Бу эса умумий овоз берувчи акцияларнинг **52,05%**ни ташкил этади ва йиғилиш ваколатли (кворумга эга) ҳисобланади.

Йиғилишга таклиф этилганлар:

Ў.Қиличов-жамият Бош директори.

Йиғилишда раислик қилувчи Ш.Курбонов йиғилиш кун тартибини эълон қилди.

## КУН ТАРТИБИ:

1. Умумий йиғилиш регламентни ва Санок комиссияси таркибини тасдиқлаш.

2. “Шеробод пахта тозалаш” АЖ ва “Сурхондарё Агрохизмат” МЧЖ кластер ўртасида мулкний мажмуани сотиш бўйича тузилган шартноманинг тўлов график муддатларини узайтириш тўғрисида.

Кун тартиби эълон қилинганидан сўнг, муҳокамага ўтилди.

**Кун тартибидаги биринчи масала бўйича** йиғилишда раислик қилувчи Ш.Қурбонов сўзга чиқиб, йиғилиш регламентини йиғилиш катнашчиларига ўқиб эшиттирди. Мазкур йиғилиш кун тартибида 2 та масала кўрсатилганлигини маъруза учун 10 (ўн) дақиқа, муҳокама ва мунозаралар учун 10 (ўн) дақиқа вақт ажратилиши мақсадга мувофиқ эканлигини айтиб, жамият акциядорларидан акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини ушбу таклиф бўйича тасдиқлаш масаласига ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Йиғилишда раиси Ш.Қурбонов Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни 66-моддасига асосан овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун жамият кузатув кенгаши томонидан санок комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланишини айтди.

Шунга асосан, жамият Кузатув кенгашинининг 2026 йил 30-мартдаги мажлис қарорига кўра санок комиссияси таркибига жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўйича мутахассиси Зубаев Улуғбек Мухаммадиевич, жамият бош бухгалтери Маматалиев Умар Нуриддинович ҳамда “Сурхондарёпахтасаноат” ХАБ тугатиш комиссияси аъзоси Қорабоев Фозил Абдухоликович номзодларини киритиш таклифи берилган бўлиб, жамият акциядорларидан санок комиссияси сони ҳамда таркибини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетен орқали овоз беришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

“Ёқлаганлар” – 1 282 644 та овоз; “Қаршиллар” - йўқ; “Бетарафлар” – йўқ; “Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар” - йўқ.

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Жамият акциядорлари навбатдан ташқари умумий йиғилишининг регламенти тасдиқлансин.

2. Уч кишидан иборат қуйидаги таркибда санок комиссияси тасдиқлансин:

- 1) Зубаев Улуғбек Мухаммадиевич;
- 2) Маматалиев Умар Нуриддинович;
- 3) Қорабоев Фозил Абдухоликович.

**Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича** йиғилишда раислик қилувчи Ш.Қурбонов сўзга чиқиб, йиғилиш катнашчиларига қуйидагиларни маълум қилди.

“Surxondaryo Agroxizmat” МЧЖнинг 03-март 2026 йилдаги 07-сонли хат билан “Шеробод пахта тозалаш” АЖга мурожаат қилганлиги ҳақида маълум қилиб ушбу мурожаатни йиғилиш катнашчиларига батафсил ўқиб эшиттирди («Surxondaryo Agroxizmat» МЧЖнинг мурожаати илова қилинади).

Мазкур мурожаатда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 22-июлдаги ПФ-103-сон Фармони “Пахтачилик соҳаси корхоналарининг иқтисодий молиявий ҳолатини яхшилашга оид чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига асосан кластер корхонаси тўлов графиги муддатини бир йилга узайтириш кўзда тутилганлиги маълум қилинган.

Шунингдек, “Surxondaryo Agroxizmat” МЧЖ Давлат активларини бошқариш агентлигига 2026 йил 24 мартдаги 9-сонли хат билан мурожаат қилиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 22-июлдаги ПФ-103-сон Фармонида мувофик олди-сотди шартномаларида белгиланган тўлов графиги бўйича қарздорликлар муддатини бир йилга ўзайтиришда амалий ёрдам беришни сўраган.

“Surxondaryo Agroxizmat” МЧЖ мукаддам 2025 йил 29 декабрдаги 125-сонли хат билан жамиятга мурожаат қилиб, шартнома бўйича тўлов муддатини бир йил муддатга узайтириб беришни сўраган. Жамият акциядорларининг 2026 йил 9 февралда ўтказилган умумий йиғилишда шартнома муддатини узайтириш рад этилган.

Шундан кейин, кластер корхонаси жамиятга ва Давлат активларини бошқариш агентлигига ушбу масалада такроран мурожаат қилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг **“Пахтачилик соҳаси корхоналарининг иқтисодий-молиявий ҳолатини яхшилашга оид чора-тадбирлари тўғрисида”**ги 2024 йил 22-июлдаги ПФ-103-сон Фармонининг 4-бўлими б)-бандида тугатилаётган “Ўзпахтасаноат” АЖнинг мулкый мажмуаларини сотиб олиш бўйича кластерлар билан тузилган олди-сотди шартномаларида белгиланган тўлов графиги бўйича қарздорликлар муддатини бир йилга ўзайтириш белгиланганлиги кўрсатилган.

“Surxondaryo Agroxizmat” МЧЖ ва “Шеробод пахта тозалаш” АЖ ўртасида 2021-йил 01-апрелда имзоланган 133/01 ва 133/02-сонли ва 2023 йил 25-мартдаги 1 ва 2-сонли олди-сотди шартномаларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-103-сон Фармони асосида тўлов графиги муддатини бир йилга узатириб беришни сўраган.

Мазкур Фармон чиққан пайтда куйидаги сабабларга кўра “Шеробод пахта тозалаш” АЖнинг мулкый мажмуаларини сотиб олиш бўйича “Surxondaryo Agroxizmat” МЧЖ билан тузилган олди-сотди шартномаларида белгиланган тўлов графиги бўйича қарздорликлар муддати бир йилга ўзайтирилмаган:

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 18 ноябрдаги 914-сон қарорига асосан “Шеробод пахта тозалаш” АЖ ва унинг “Дўстлик” ва “Бўстон” пахта қабул қилиш масканлари мол-мулкларини “Сурхондарё Агрохизмат” МЧЖга 5 йил муддатга бўлиб тўлаш шarti билан баҳоланган қийматда 24 780,2 млн. сўмга сотиш бўйича 2021 йил 1 апрелда тузилган 133/01-сонли ва 133/02-сонли ҳамда 2023 йил 25 мартдаги 01 ва 02-сонли шартномалар Шеробод туманлараро иқтисодий судининг 2023 йил 26 декабрдаги ҳал қилув қарорига асосан бекор қилинган.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 25 июлдаги 452-сон қарорига асосан “Сурхондарё Агрохизмат” МЧЖ Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг пахта-тўқимачлик кластерлари реестридан чиқарилган.

Шундан кейин, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг 2025 йил 22 июлдаги қарорига асосан келишув битими тасдиқланган ва Шеробод туманлараро иқтисодий судининг 2023 йил 26 декабрдаги ҳал қилув қарори бекор қилинган.

Шунингдек, Қишлоқ хўжалик вазирлигининг 2025 йил 1 ноябрдаги 03/23-05/6737-сонли хатига кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 6 мартдаги “Пахта-тўқимачлик кластерларини молиявий соғломлаштириш ва уларнинг фаолияти очиклигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 145-сонли қарорига асосан “Сурхондарё Агрохизмат” МЧЖ соғломлаштишга тушган ва Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг пахта-тўқимачлик кластерлари реестрига киритилган.

“Сурхондарё Агрохизмат” МЧЖ Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг кластерлар реестри “reagro.uz” ахборот тизимига рўйхатга қўшилган.

“Шеробод пахта тозалаш” АЖ ва “Сурхондарё Агрохизмат” МЧЖ ўртасида тузилган олди-сотди шартномалари муддати 2026 йил 1 апрелда тугаган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 22 июлдаги “Пахтачилик соҳаси корхоналарининг иқтисодий-молиявий ҳолатини яхшилашга оид чора-тадбирлар

тўғрисида”ги ПФ – 103-сон Фармонида Пахта-тўқимачилик кластерларининг молиявий барқарорлигини ва пахта хом ашёсини чуқур қайта ишлаш узлуксизлигини таъминлаш ҳамда соҳада ҳисоб-китоб интизомини мустаҳкамлаш мақсадида тугатилаётган “Ўзпахтасаноат” АЖнинг мулкый мажмуаларини сотиб олиш бўйича кластерлар билан тузилган олди-сотди шартномаларида белгиланган тўлов графиги бўйича қарздорликлар муддатини бир йилга ўзайтириш белгиланган ҳамда мазкур Фармоннинг амал қилиш муддати белгиланмаган.

Кўшимча сўзга чиққан жамият акциядори М.Қаюмов “Сурхондарё Агрохизмат” МЧЖнинг 28.04.2026 йилга қарздорлиги 17 573 032 338 сўмни ташкил этаётганлигини бугунги сана билан келишув битими имзолаб ўн икки ой мобайнида тенг улушларда тўлаб бориш зарурлигини таъкидлаб ўтди.

Муҳокамадан сўнг “Шеробод пахта тозалаш” АЖ ва “Сурхондарё Агрохизмат” МЧЖ кластер ўртасида мулкый мажмуани сотиш бўйича тузилган шартномаларнинг тўлов график муддатларини узайтириш масаласи юзасидан муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

#### Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – 1 263 048 та овоз; “Қаришлар” - йўқ; “Бетарафлар” – 19 596 та овоз; “Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар” - йўқ.

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши қарор қилади:

1. “Surxondaryo Agroxizmat” МЧЖнинг 2026 йил 3 мартдаги 07-сонли ҳамда Давлат активларини бошқариш агентлигига 2026 йил 24 мартдаги 9-сонли мурожаатлари маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 22 июлдаги “Пахтачилик соҳаси корхоналарининг иқтисодий-молиявий ҳолатини яхшилашга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ – 103-сон Фармонига мувофиқ “Шеробод пахта тозалаш” АЖ ва “Сурхондарё Агрохизмат” МЧЖ ўртасида 2021 йил 01-апрелда имзоланган 133/01 ва 133/02-сонли, 2023 йил 25-мартдаги 1 ва 2-сонли шартномаларида белгиланган тўлов графиги бўйича қарздорликлар муддати бир йилга узайтирилсин.

3. Тўлов графиги бўйича тузилаётган келишув битимида 17 573 032 338 сўм акс эттирилиб, ўн икки ойга тенг улушларда тақсимлансин.

4. “Шеробод пахта тозалаш” АЖ Бош директори Ў.Қиличовга:

“Шеробод пахта тозалаш” АЖ ва “Сурхондарё Агрохизмат” МЧЖ ўртасида тузилган олди-сотди шартномаларида белгиланган тўлов графиги бўйича қарздорликлар муддатини бир йилга узайтириш бўйича келишув тузиш вазифаси юклатилсин.

Ушбу келишув битими бўйича тўлов графиги “Сурхондарё Агрохизмат” МЧЖ томонидан 2 ой мобайнида узлуксиз бажарилмаса шартнома мажбуриятлари жиддий бузилиш деб ҳисобланиб, қонунда белгиланган тартибда чоралар кўрилсин.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар эълон қилинганидан сўнг, йиғилишда раислик қилувчи Ш.Қурбонов акциядорларга уларнинг иштироки учун миннатдорчилик билдириб, йиғилишни ёпик деб эълон қилди.

Йиғилиш раиси:

Ш.Қурбонов

Йиғилиш котиби:

У.Зубаев

Йиғилиш баённомаси 2026 йил 30.04 куни икки нусхада тузилди.